

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

Boysun

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

2025 - yil 2-sentabr
№ 17 (6456)

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili

БОЙСУН ТУМАН ҲОКИМИ БОҲАДИР ШУКУРОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар, азиз бойсунликлар!
Меҳнатсевар, кўп миллатли халқимиз энг азиз, энг муқаддас байрамимиз - Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигини зўр шодоналар билан кутиб олоқдалар. Зотан, 1 сентябр давлатчилигимиз тарихида Ўзбекистон деган мустақил юрт дунё харитасида пайдо бўлган, истиқлолимиз пойдеворига тамал тоши қўйилган, ажодларимиз, хусусан маърифатпарвар ҳадид боболаримиз орзу-армони ушалган кун сифатида барчамиз учун ҳам қадрлидир. Қолаверса, бу йилги байрам тантаналари "Ватан учун, миллат учун, халқ учун!" умуммиллий ғояси асосида ўтказилаётганлигининг ўзи мустақиллик Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз учун бугунги кунда энг улуг, энг муқаддас қадрият сифатида эътироф этилганлигига ишорадир.

Одатга кўра халқимиз бу йилги байрамга ҳам алоҳида эътибор билан тайёргарлик кўрдилар. Ўтган бир ой давомида туманимизда Давлатимиз раҳбарининг Қарори асосида истиқлолимизнинг 34 йиллигига бағишланган кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар давомида кенг жамоатчилик орасида, корхона, ташкилот ва муассасаларда Ватанимиз, истиқлолимиз тарихи, халқимизнинг бугунги кунда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида олиб бораётган улугвор яратувчилик ишлари ҳақида маърузалар қилиниб, таниқли олимлар, санъаткорлар, фан арбоблари билан учрашувлар ташкил этилди.

Байрам арафасида "Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки!" шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари эса халқимизнинг байрамлар, тўй-ҳашамларга тайёргарлик жараёнида биринчи галда тозалик, озодликка алоҳида аҳамият қаратишлари, ҳар қандай катта-кичик байрамни орасталиқда кутиб олиш энг яхши қадриятларидан бири эканлигини англатади.



Азиз бойсунликлар!

Шуни мамнуният билан айта оламанки, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган улугвор ислохотлар ижросида Сиз азизларнинг ҳам ҳиссангиз бор. Буни туманимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, саноат ва ишлаб чиқаришни юксалтириш, камбағалликни бартараф этиш ва бошқа йўналишларда амалга оширилаётган ишлар кўлами билан ҳам кўриб, тасаввур этиш мумкин. Албатта, бу каби ўзгаришлар, соҳалар бўйича кўлга киритилаётган ютуқлар сиз меҳнатсевар халқимизнинг иштирокисиз, сизларнинг қўллаб-қувватловингизсиз бугунги даражада бўлмасди.

Қадрли ҳамшаҳарлар!

Бойсун катта имкониятлар, ижтимоий-иқтисодий юксалишларни таъминлаш учун етарли табиий ресурслар, интеллектуал имкониятлар етарли

бўлган макон. Мана шундай имкониятлардан келиб чиқиб, яқин йиллар ичида бу ерда яна кўплаб жиддий лойиҳалар амалга оширилиши мўлжалланган. Албатта, бу каби ишларни амалга оширишда биз сизларга, сизларнинг шижоатингиз, ватанпарварлик хислатларингизга суянамиз.

Мана шундай шуқуҳли кунларда Сиз азизларни энг улуг ва энг муқаддас байрамимиз – мустақиллигимизнинг 34 йиллиги билан табриклаш баробарида барчангизни хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, файзи-барокат тилаб қоламан. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Ватанимиз равнақи йўлида кўнглимизга туккан ниятларимиз ижобат бўлсин. Кўп миллатли халқларимиз ўртасидаги дўстлик-биродарлик оқибатлари ҳеч қачон узилмасин. Ўзбекистон дея аталмиш юрт тараққиёти учун амалга ошираётган ишларимизга Яратгanning ўзи ҳаммаша барака ато этсин!

Истиқлол байрами муборак, азизлар!

ВАТАН

СИРОЖИДДИН САЙИД
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ



Дил пораси, кўз қораси сен ўзингдирсан,
Менинг кўнглим сен аслида, сен кўзимдирсан.
Томиримда томир ёйган илк сўзимдирсан,
Илк оғригим, илк ёмғирим, найсоним Ватан.

Қир устида ёнбошлаган бобом чайласи
Бу дунёда кимларнингдир орзу-ҳаваси.
Димоғимда юлдуз иси, шабнамлар иси,
Момом экиб кетган кашнич, райҳоним, Ватан.

Қулоқ солсам шивирлагай ҳатто тошларинг,
Ою қуёш, камалаклар кўзу қошларинг.
Бешигимни тебратгандир қалдирғочларинг,
Ою қуёш кўрпа солган айвоним, Ватан.

Бўронлари тулпорларга тунлар ёл бўлган,
Бир ўғлони чинор, бири мажнунтол бўлган.
Темурлари от минганда жаҳон лол бўлган,
Дунёларга тимсол шоҳу султоним, Ватан.

Валилардан ибрат сўйлар жулдур сахролар,
Сўнди қанча салтанатлар, қанча туғролар.
Мақбаралар айтсин лекин, айтсин Зухролар:
Ер остидан суҳбат айлар ҳануз Кубролар,
Термизийлар бедор ётган кўрғоним Ватан.

Не тонг эди – изғиринлар захрини тотдинг,
Дастурхонда музтар қолди қанду наботинг.
Шаҳидларнинг номларидир ҳар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат, Қодирий ҳам Усмоним Ватан.

Гард кўнамсин токи сенинг киприкларингга,
Киприкларим киприк қилай кўприкларингга.
Ўшаб турган улугларинг ҳам пирларингга
Булутларинг сузиб юрар кўк, қирларингга,
Уйғоқ руҳлар осмонида посбоним Ватан.

Боболарим хокини мен юзларга суртай,
Дилимдаги энг муқаддас сўзларга суртай,
Онамдайин азиз нону тузларга суртай.
Озод бўлган оятларин кўзларга суртай,
Ўз юртига қайтиб келган Қуръоним Ватан.

Мен дунёни не деб атай? Бу бир кўхна боғ,
Ўз билганин сайраб бунда ҳар кумри, ҳар зог.
Асло сенинг бағирларинг кўрмайин мен доғ,
Юлдузларга осмон бўлган эй нурли тупроқ,
Осмонлари еру ери осмоним Ватан.

Сўқмоғингда мен бир эпкин ё бир насимман,
Япроқ сенинг, хас бўлсам гар сенинг хасингман.
Жайронларинг кўзларида қолар сўзингман,
Менинг борим сен биландир, йўғим сен билан,
Катта йўлга чиққан улуг қарвоним, Ватан.

Эшитганимизга кўра дунёда байрами йўқ халқлар ҳам бор экан. Аслида дунёнинг ўзи рангин – шу маънода қайси бир юртда одамлари нишонлайдиган байрами, қадрияти бўлмаслиги ҳам одатий ҳол бўлиши мумкин. Бироқ биз – ўзбекистонликлар энг кўп байрам нишонлайдиган халқлар тоифасиданмиз. Қадриятларимиз бисёр, урф-одатларимиз ранг-баранг. Тарихимиз теран. Балки шу боис нишонлашга арзигулик, халқ, миллат эканлигимизни англаттулик узоқ тарихимиз, бугунги кунларимиз билан боғлиқ одатларимиз, байрамларимиз ҳам кўп.

ИСТИҚЛОЛ МАДҲ ЭТИЛГАН, ИСТИҚЛОЛ КУЙЛАНГАН ТАДБИР



Мустақиллик байрами эса улар орасида энг улугғи, энг азии ҳисобланади. Шу боис биз бу байрамни алоҳида тайёргарлик билан кутиб оламиз, алоҳида жўшқинлик, ўзига хос жозоба, тантана билан ўтказамиз.

Одатга кўра бу йил ҳам август ойи Президентимизнинг қарори билан мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ойлиги бўлди. Қарор доирасида ойнинг дастлаб-

лар, театр ва кино соҳаси дарғалари билан бўлган учрашувлар, давра суҳбатларида мустақиллигимиз тарихи, истиқлол йилларида мамлакатимиз равнақи йўлида амалга оширилган оламшумул ислохотларнинг мазмун-моҳияти эслаб ўтилди. Кўшиқларда, шеърларда истиқлолимиз, халқимизнинг қаҳрамонона ютуқлари мадҳ этилди.

(Давоми 2-бетда)

БОЙСУН 2026 йил учун "БОЙСУН" ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БОШЛАНДИ

Азиз муштарийлар!

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади.
(Агробанқдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0400429681001, ИНН:202173689)

Йиллик обуна баҳоси — 300000 сўм.

ЯНГИ МАКТАБ - ЯНГИ УМИД, ЯНГИ МАРРАЛАР МАСКАНИ

Мактабдаги муаммолар пайдо бўлганда бу таълим масканида бугун фаолият кўрсатаётган баъзи бир устозлар ва ходимларнинг ўзлари ҳали ўқувчи бўлишган.

Қизиги шундаки, улар ҳам бугунги талаба-шоғирдлари каби мактабдаги оғир шароитлар, хусусан, синф хоналарнинг етишмаслиги, замонавий таълим имкониятларидан узоқ бўлган шарт-шароитларда ўқишга мажбур бўлишган...

Роппа-роса 35 йил муқаддам бунёд этилган ва ўша давр шарт-шароитларидан келиб чиқиб "замонавий мактаб" макomini олган бу таълим масканида шунча йиллар давомида ҳеч қандай қўшимча қурилиш ёки таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Боз устига янги мактабнинг катта бир қисми – 420 ўқувчи ўрнига эга бўлган қаноти авария ҳолатига тушиб, у ерда таълим бериш тўхтатилган. Бу, мактабнинг тенг ярим ўқувчилари ишга яроқли қолган биноларда, қўшимча сменаларда текилиб ўқишлари деган гап эди. Аслида шундай ҳам бўлган, авария ҳолатидаги ўша катта бинодан кейинги 25 йил даво-

мида фойдаланишнинг имкони бўлмаган. Оз эмас, нақ чорак аср давомида консервация қилинган бино ўрнига янгисини қуришнинг ҳам имкони топилмаган.

Тегишли мутахассисларнинг айби билан ўша пайтлар мактаб биноси ноқулай майдонда қурилган учунми, кўп ўтмай мавжуд спорт зали ҳам яроқсиз ҳолга келган. Узоқ йиллар давомида мактаб ҳовлисидаги йўлақлар, мактаббўли майдонча таъмирланмагани боис ўқувчиларнинг мактаб ҳовлисида беминнат ҳаракатли ишлари учун ҳам қийинчиликлар пайдо бўлиб, фаррошлар меҳнати икки-уч қарра кўпайишига сабаб бўлган. Шу тахлид мактаб жамоаси чорак аср давомида қийинчиликлар ичида фаолият кўрсатишга мажбур бўлишган. Фақат 2024 йилга келиб жамоамиз бу қийинчиликларга йўл топиш ва таълим масканимизга замонавий тус бериш, бугунги кунга хос қулай таълим шароитлари яратиш учун ўзимиз имконият қидиришимиз, ўзимиз ҳамжихатлик билан ҳаракат қилишимиз лозим, де-



ган фикрга келдик. Дастлабки уринишларимизни эса муҳтарам Президентимиз яратиб берган қулай имконият - "Очиқ бюджет" лойиҳасида иштирок этиш орқали амалга оширишни режалаштирдик. Биринчи уринишимизда мактабда спорт зали қурилиши учун голибликни кўлга киритдик.

(Давоми 4-бетда)

ОБОД ВА ФАЙЗАЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРҚИ

гон қилишдек ээгү ишларда яққол намоён бўлишини яна бир бор кўрсатди, дейиш мумкин.

Туманимизда ўтган икки кунлик умумхалқ хайрия ҳашарида ҳам биз умуммиллий бирдамлик, меҳр-муруват каби ҳислатлар боқийлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Минглаб ҳамшаҳарларимиз бош қўшган хайрия ҳашари барча ҳудудлар, маҳаллалар, корхона-ташкилотлар, шаҳар ва хийбонларини қамраб олди.

Туман ҳокимлиги, нуронийлар, "маҳалла еттилиги" бош бўлган ҳашар давомида минглаб дарахтларга ишлов берилиб, оқланди, йиғилган чиқиндилар тегишли тартибда полигонларга олиб чиқилди, қабристонлар ободонлаштирилди. Айниқса, меҳр-муруватли халқимизнинг ҳашар кунларида ҳам ногиронлар, ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонларни унутмаганларини алоҳида ҳурмат билан таъкидлаш лозим. Деярли барча маҳаллаларда мана шундай тоифадаги инсонлар яшаётган хонадонларга ташриф буюрилади, хонадонлар ободонлаштирилди, уларга маънавий кўмак берилди. Қадимдан қабристони обод ҳалқ – мурувватли, диёнатли халқ дейилган.

(Давоми 2-бетда)

Ўтган бир ой давомида биз ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, ҳар бир меҳнат жамоасио маҳаллаларда мустақиллик байрами шуқуҳини кўрдик. Туманимизда мустақиллик байрамини нишонлаш дастурига кўра асосий маданий-маърифий тадбир ўтиши белгиланган “Бойсун баҳори” туризм марказида бўлган умумхалқ байрам сайли ҳамда гала концерт томошаларига йиғилган ҳамюртларимиз билан суҳбат ва мулоқотлар жараёнида эса улар учун мустақиллик байрами қадрият сифатида аллақачон кўнгилларнинг туб-тубидан жой олганлигини англагандек бўламиз.

Бойсунлик чевар хунармандлар тайёрлаган миллий хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилган ярмаркада биз билан суҳбатда бўлган меҳмон истиқлол ҳақида, мустақиллик ҳақида тўқилганиб шундай фикрларни билдиради: –“Ўзига хос мана бу расталардаги юзлаб хил ва номдаги миллий хунармандчилик маҳсулотларига қараб халқимиз нақадар бой тарихга, қадриятларга эга халқ эканлигини тасаввур қиялганман. Энди, атиги 34 йил аввалги ҳаётни тасаввур қилинг, қайёнда эди бу хунармандлар, улар кўлида жило топанг мана бунақа аҳолиб хунармандчилик маҳсулотлари-чи? Ёркин рангларга бой Бойсун дўппиларини кийиб юрган бирор кишини кўрганмисиз, ўша замонда? Замон сийёсати зуғуми остида сал бўлмаса йўқолаёзган эди булар. Тарихимиз ҳам, қадриятларимиз ҳам йўқ халқ мисоли эдик, тузум бошида турганлар учун.

Истиқлол, мустақиллик биз учун нима, деган саволга энг содда, энг оддий ҳаётий мисол бу...”

Яна бир суҳбатдошимиз, узок йиллар тумандаги йирик автокорхонани бошқарган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Қодир ҳожи Қурбоновнинг Истиқлол ҳақида фикрларида ҳам кекса отахоннинг кўнгил тубидан чиққан асл ҳақиқатни англаймиз: –Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, мазмундаги маколни яхши биласиз, - дейди отахон ўйланиб. – Шукр қилман шу кунларни кўриб турганимдан. Катта ҳажларга бориб, Аллоҳнинг уйини зиёрат қилиб келиш насиб қилди менга. Шу йилнинг ўзида фақат туманимизнинг ўзидан қарийб 40 нафар ҳамюртимиз ҳаж амалини адо қилиб қайтишди. Ўртин, халқни дуосини қилиб турган биз каби кексалар, нуронийлар учун бундан ортқ бахт борми? Ҳаж сафарининг бошидан охиригача ҳожиларга давлат томонидан кўрсатиладиган эътибор, ғамхўрлик-чи? Бунақасини ҳар қандай

–Биз ҳашарнинг биринчи куниданок маҳалламиз худудидаги “Кизил корез” қабристонини ободонлаштиришга чиқдик, – дейди Ариқусти маҳалласида яшовчи нуроний Оллоқул Муртазоев. – Маҳалла еттилиги бош бўлган ҳашар давомида бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш ишларига маҳалламизнинг тадбиркорлари, сахий фуқаролари ўз ҳисобларидан моддий мадад бериб турдилар.Уларнинг беғараз химмати боис ҳашар давомида қабристонда қўшимча бетон ўтиргичлар барпо этилиб, мавжудлари таъмирланди. Машинада сув келтириб, барча дарахт ва буталар, гуллар суғорилиб, қабристон атрофи чиқиндилардан тозаланди.

–Бизнинг Бибиширин маҳалламизда ҳозир ҳам халқимизнинг боқий удумларидан бири – ҳашар асл ҳолича сақланиб қолган, – дейди шу маҳалладаги оилавий поликлиника бош врачни Нуриддин Шохимардонов. – Маҳалладошлар тўй-маърака, айниқса, уй қуриш, хонадонларни ободонлаштиришда бир-бирларига кўмак бериб келиш маҳалламиз учун оддий ҳол. Аслида, ҳашар одамларни бир-бирига янада қин қилувчи, ўзаро меҳр-оқибатни сақлаб турувчи, қўни-қўшничилик ришталарини боғлаб

Bugungi kunda aholi orasida kitobxonlikni targ'ib qilish va qo'llab-quvvatlashga katta ahamiyat qaratilmoqda. Yoshlar orasida kitobxonlikni yaxshilashga qaratilgan sa'y-harakatlar bilan bir qatorda mahallalarda kitobxon oilalar safini oshirish borasida ham tizimli ravishda targ'ibot tadbirlari o'tkazib turilibdi.

Ana shunday tadbirlardan biri “Besh tashabbus” olimpiadasi doirasida o'tkazib kelinayotgan “Yosh kitobxon oila” tanlovidir. Yaqinda tuman yoshlar ishlari bo'limi hamda Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi tuman bo'limi hamkorligida mazkur tanlovning tuman bosqichi o'tkazildi.

Tanlovda asosan @kitobxonoilala-bot orqali ro'yxatdan o'tgan va tanlovda ishtirok etish istagini

ENG YAXSHI YOSH KITOBXON OILA ANIQLANDI

bidirgan yosh oilalar vakillari ishtirok etdilar. Ishtirokchi oilalar tanlov shartlari bo'yicha tegishli talablarni bajarishlari hay'at a'zolari tomonidan kuzatib borildi va baholandi. Xususan, yosh kitobxon oilalarda kitobxonlik madaniyatini yuksaltirishda olib borilgan ishlar, oilaviy kutubxonalardan foydalanish darajasi, shuningdek, kitobxonlik targ'iboti bo'yicha amalga oshirilayotgan ibratli ishlar doirasida ochiq muloqot va suhbatlar o'tkazilib, jarayon davomida yosh kitobxon oilalarni yanada ko'paytirish sohasida qilinishi lozim bo'lgan vazifalar yuzasidan ishtirokchilarning fikr-mulohazalari va takliflari ham eshitildi.

Tanlov natijalarining tahliliga ko'ra “Shirinobod” mahallasidan ishtirok etgan Xolmhamadovlar oilasi g'olib deb topilib, ushbu tanlovning viloyat bosqichiga ishtirok etish yo'llanmasini qo'lga kiritdi. Tadbir so'nggida esa g'oliblar va ishtirokchilar tuman yoshlar bo'limining diplom hamda esdalik sovg'alari bilan mukofotlandilar.

Bobir Sobirov.

ИСТИҚЛОЛ МАДҲ ЭТИЛГАН, ИСТИҚЛОЛ КУЙЛАНГАН ТАДБИР

бой давлат ҳам эпламаса керак, менингча. Ахир бундай ҳаёт, бу каби шароитларга Истиқлол туфайли, Мустақиллик туфайли эришмадикми? Ҳеч бўлмаса, мана шу беш қаватли меҳмонхона айвонидан пойингизда тўшалиб турган туғилган гўшангиз, бугунги Бойсунга разм солинг. Ўттиз йил муқаддам қандай аҳволда эди бу жойлар. Ана, узокдан гумбазлари жилоланиб турган ҳайбатли масжидга қаранг, унинг ёнидаги кўп қаватли уйлардан иборат шаҳарчага эътибор қилинг. Бўйига ҳам энига кенгайган шаҳар маркази, ям-яшил боғ-роғга бурканган замонавий уйлардан иборат



хонадонларни кўринг. Мустақиллик бўлмаса биз шу натижаларга эришармидик?.. Истагим шуки ёшлар, бугунги авлод бу кунларнинг қадрига етсинлар, уни кўз қорачигидек асрасинлар!

...“Бойсун баҳори” туризм марказидаги улкан амфитеатр. Кечки соат 19 да мустақил Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси остида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган байрам тантанасини очган туман ҳокими Боҳадир Шукуров ўзининг байрам табригини изҳор этади. Ҳоким йиғилганларни истиқлол байрами билан табриқлар экан, мустақиллигимизни мустақамлаш, мамлакатимиз иқтисодийетини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида амалга

оширилаётган кенг кўламли ишларда бойсунликларнинг ҳам улуши борлиги, жумладан, уларнинг саёй-ҳаракати билан туманда кенг кўламли ислохотлар самарали амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг йиғилган кўп минг кишилик томошабинлар ҳамда меҳмонларга байрамнинг асосий театрлаштирилган бадийий-муслиқали тадбири намойиш этилди. Одатта кўра тадбир давомида туман маданият маркази ходимлари томонидан махсус тайёрланган Ватан, Истиқлол ва халқимиз бирдамлиги, миллатлараро тотувли ва биродарлиқни мадҳ этувчи, мустақиллигимиз тарихи, бугунги кун талқин қилинган саҳна чиқишлари ҳавола этилди. Байрам тантанаси ташкилотчилари сайъ-ҳаракатлари натижаси ўлароқ юксак дид билан тайёрланган саҳна декорацияси, санъаткорлар ижроси, ўзига хос миллий либослар, миллий қадриятлар акс этган куй-қўшиқлар уйғунлигида томошабинларга чуқур таассурот уйғотди. Санъаткорларимиз маҳорати остида томошабинларга сўз санъати билан эмас, муслиқа санъати билан, саҳна чиқиши санъати орқали истиқлолимиз мадҳ этилди.

Маънавий-муслиқий тадбирнинг кейинги қисмида республикамизда танилган “Мароқанд” гуруҳи аъзолари томонидан миллий ва эстрада жанридаги куй-қўшиқлар тақдим этилиб, байрам иштирокчиларига ўзгача кайфият улашилди. Очиқ амфитеатрда ижро этилган саҳна чиқишлари томошабинлар

ҳамкорлигида, улар ижро этган рақслар ва танишувлар само кўйинини тилган рангин мушаклар ёлқини билан уйғунлашиб, байрам тадбирига ўзгача шукух бағишладики, бунақасини кўнгли санъатга, маърифатга мойил, ўз қадриятлари, миллий анъаналарини қадрловчи инсонлар даврасидагина кўриш мумкин.

Юнус ХОЛИЁРОВ,
туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.
Даврон ОРИПОВ,
“Бойсун” газетаси муҳаррири.

ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКҲИ

бирдамлик ва тотувликни янада мустақамлашга хизмат қилишига амин бўлдим.

Дарвоқе, кўпчилик умумхалқ хайрия ҳашари “Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки!” шиори остида ўтказилганлигига ҳам эътибор қилган бўлиши табиий. Маҳалла бугун оилалар

бирдамлигини сақлаб турувчи, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайловчи, ёшларни ватанига, юртига садоқат қилиб тарбиялашга масъул ва энг муҳими миллатлараро дўстлик ва биродарлиқни мустақамловчи асосий бўғин ҳисобланади. Барча

яхшиликлар ва эзгуликлар, барча яхши ташаббуслар ва тақлифлар ўчоғи ҳам, уларни рўёбга чиқарувчи ишончли бошқарув тизими ҳам маҳалла. Шундай экан, демек маҳаллаларимизни обод ва файзли бўлишига эришиш – бу юртимизнинг обод ва кўркам, ҳар томонлама мустақам бўлишига эришиш деган гап. Маҳаллалар қанчалик обод, кўркам, озода ва файзли бўлар экан, мамлакат ҳам, Ватанимиз ҳам шунчалик обод ва кўркам бўлиб бораверади. Қолаверса, байрамлар, шодиёналар ҳам кўркам, ҳар жихатдан обод юртга ярашади.

Нодира ЖЎРАҚУЛОВА.
Суратларда туманимизда ўтган умумхалқ хайрия ҳашаридан лавҳалар акс этган.



ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ



Ёшлар муаммоларига эътибор қаратиш, улар билан тизимли иш олиб боришни йўлга қўйиш, бандлигини таъминлаш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун

Keyingi paytda yoshlar orasida giyohvandlik moddasiga moyillik holatlari tez-tez ko'zga tashlanib qolayotgani barchaga birdek tashvish uyg'otishi shubhasiz.

Aksariyat hollarda ota-onalar o'z farzandlarining yurish-turishi, ta'lim-tarbiyasiga e'tibor qilmasliklari ortidan paydo bo'luvchi bu ilat nafaqat oila, balki jamiyat uchun ham og'ir oqibatlarni olib kelishi muqarrar.

Joriy yilning 30 iyul kuni jinoiy ishlar bo'yicha Boysun tuman sudining ochiq sud majlisida ko'rib chiqilgan fuqaro Sh.Karimovga tegishli ish ham aynan giyohvandlik jinoyati bilan bog'liq edi.

Sherdil Karimov (ismi o'zgartirilgan) hali yosh – endigina 27 yoshni qarshilagan, uylanmagan. Odatda bunday yoshda ko'pchilikning inson sifatida hayotda o'z oldiga qo'ygan maqsadlari, orzu-umidlari bo'ladi. Ammo Sherdil tengdoshlaridan farqli o'laroq mehnat qilib topganlarini qing'ir yo'larga xarj qilib yurishni odat qildi. Oqibatda maqsadsiz hayot tarzi uni jinoyat

ko'chasiga boshlab, sud zaligacha olib keldi.

Joriy yilning 19 may kuni Sherdil Obid hamda Botir ismli yaqin tanishlari bilan Qashqadaryo viloyatiga ishga ketishayotgan paytda ular o'tirgan “Jentra” rusumli mashina Boysun tumani, Shifobuloq MFY hududidagi Darband YPX maskanida to'xtatildi. Tegishli tartibda nazoratdan o'tkazilgan mashinadan ikki dona paketga joylashtirilgan jami 1,47 gramm gashish (anasha) smola kanabisiga giyohvandlik moddasi o'tkazish maqsadini ko'zlamay qonunga xilof ravishda saqlab kelinayotgani aniqlanib, topilgan giyohvandlik moddasi ashyoviy dalil tariqasida olindi. Mashinada bo'lgan uch nafar fuqarodan biri – Sherdil Karimov topilgan giyohvand modda unga tegishli ekanligiga iqrorlik bildirib, unda giyohvand moddalarni iste'mol qilishga moyillik borligini, binobarin uni kelgusida iste'mol qilish uchun saqlaganini tan oldi. Shuningdek, tergov va sud jarayonida Sherdil ushbu giyohvandlik moddasini Shorch tumanida yashovchi J.

оширилаётган вазифалар хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

–Бугунги кунда ёшлар масаласи биз учун энг муҳим ва энг устувор вазифалардан бири, – дея таъкидлади ҳоким. – Мухимлиги шундаки, бу

етарли шарт-шароитлар яратиш Президентимиз томонидан олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг асосий йўналишларидан саналади. Туманимизда ҳам ушбу сиёсатни амалга ошириш борида муайян ишлар олиб борилмақда. Хусусан, туман ҳокимининг ёшлар билан учрашувлар ўтказиб бориши кейинги пайтда яхши анъанага айланиб бормоқда.

Куни кеча туман ҳокими Боҳадир Шукуровнинг ёшлар билан ўтказилган навбатдаги очиқ учрашуви мавзулар хилма-хиллиги, ёшлар томонидан кўтарилган муаммолар ва тақлифларнинг ўзига хослиги билан аввал бўлиб ўтган мулоқотлардан ана қизғин ва сермақсул бўлди.

Учрашувни очган туман ҳокими Б.Шукуров туман ҳокимлиги, туман Ёшлар ишлари бўлими ва тегишли идоралар ҳамкорлигида ёшларга оид ишларни йўлга қўйишда амалга

вазифаларни амалга ошириш шаҳсан давлатимиз раҳнамолигида давлатнинг ёшлар сиёсати доирасида назоратга олинган.

Ўзбекистон дунёнинг 30 ёшгача бўлган ёшлари энг кўп бўлган мамлакатлар қаторида туради. Шундай экан, мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи мана шундай катта қатлам билан ишлаш, улар ўз имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиб бериш жуда катта меҳнат, вақт ва кўрчи талаб қиладди. Ёшлар мамлакатимизнинг асосий интеллект, давлатимизнинг эртанги асосий таянч кучи эканлигини ҳисобга олсак, биз учун бу тўсиқларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бугунги учрашувдан мақсад эса, кўпроқ сизларни эшитиш, тақлиф-мулоҳазаларингизни бўлишишдан иборат бўлади.

Юз нафарга яқин ёшлар иштирок этган учрашув давомида улар томонидан айтилган фикрлар, тақлиф-мулоҳазалар қутилганидан кўп бўлди. Мухими бу тақлиф ва муурожаатлар ёшларни қизиқтирган ва уларнинг келажаги билан боғлиқ долзарб масалалар доирасида бўлди. Хусусан, сўз олган аксарият ёш йигит-қизлар доимий иш билан таъминлаш, олий таълимда контракт тўловлари ва имтиёзли кредитлар олишга амалий ёрдам бериш масаласига фикр билдиришди. Ўз навбатида ёшларнинг тақлиф-мулоҳазалари шу ернинг ўзида тегишли мутахассислар иштирокида таҳлил этилиб, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш ва муаммоларини бартараф этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Тадбир давомида сўз олган ёшлар ўзаро очиқ мулоқот ва унинг самарадорлиги учун туман ҳокими ҳамда ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб, мазкур ҳамкорлик уларнинг фаолиятлари учун фойдали имконият яратишига ишонч билдирдилар.

Нодир ҚҰЛМАМАТОВ,
туман Ёшлар ишлари бўлимининг етакчи мутахассиси.

YANA GIYOHVANDLIK BALOSI



ismli kishidan ozi iste'mol qilishi maqsadida sotib olganligini ham e'tirof etib, qilmishidan pushaymonligini bildirdi.

Sherdil doimiy ish o'rimga ega bo'lmasa-da, kunbday ish topib, o'z mehnati bilan daromad qilib yurgandi. Aslida bu pullar bilan u uylanib, oilali bo'lishi, jamiyat uchun, oilasi uchun manfaat keltiradigan insonlar qatorida turishi mumkin edi. Afuski, jinoyatchilik yo'lga kirishi, halol mehnat bilan topilgan pulni xarom-xarish ishlar, xususan, giyohvandlik balosiga ishlatisi, oxir-oqibat bularning barchasini barbod qildi. Sud hukmiga ko'ra esa unga

O'zbekiston Respublikasi JKning tegishli moddalari asosida 2 (ikki) yil muddatga o'zi yashab turgan Sho'rchi tumanidagi uyini tark etish butunlay taqiqlangan holda (shifokor ko'rigiga boorish, shifoxonada stationar davolanish, favqulodda yoki kechiktirib bo'lmaydigan holatlardan tashqari) ozodlikni cheklash jazosi qo'llanildi.

F.ISMOILOV,
Boysun tuman prokurori katta yordamchisi.
Z.ALIQULOV,
Boysun tuman prokurori yordamchisi.

Бойсунлик мархум шоир Жўрабек Рамазон шеърятига бир назар

Бойсун ҳақида сўз кетганда, аввало, киши ҳаёлида бу сўлим гўшанинг таниқли адиблари гавдаланади. Яқинда интернет тармоғини титкилар эканман, ногоҳ гўё ноёб топилишни топган одамдек кўзим қувониб, руҳимда жўшинлик уйғонди. Ҳа, бу мен анчадан бўён излаган бойсунлик мархум шоир Жўрабек Рамазоннинг шеърлари эди.



Бундан олдин ҳам шоир ижоди билан қисман таниш бўлган эдим, аммо бу шеърлари мутлақо менга нотаинишдек... юрагимни ўзгача тугён чулғаб олди. У гўё менинг кечинмаларимни менидан олдин англагандек, мен учун ёзгандек назаримда. Афсус, шоир

билан шахсан танишишга улгурмаган эканман. Лекин Жўрабек Рамазоннинг шеърларини ўқир эканман, унинг шахсияти ҳақида менда жиндек тасаввур пайдо бўлди.

Жўрабекнинг ижодига назар ташлар эканмиз, улардаги ўзига хосликка, фикрлар оламининг тегалигига гувоҳ бўласан киши. Зеро, бу ўзига хослик, улугворлиқнинг асоси бор. Бу-Бойсун, унинг мафтункор табиасти, булутларга тенг чўққилари ва содда, бегубор одамларидир. Шу боисдан ҳар бир бойсунлиқнинг юрағида шеър завқи ётади. Жўрабек Рамазон ҳам Бойсун фарзанди. Бойсуннинг сўлим табиасти, бахтиёр одамлари ва энг аввало Худо томонидан унинг кўнглига солинган илоҳий бир тугён унинг ҳар бир сатрида яққол сезилади. Шоир оташин қалби ила исён кўтаради. Бу исён унинг қон-қонига сингиб кетган. “Кўркув” шеърда эса шоирнинг ботинидаги бу исён майин оҳангларда акс этади:

**Ёмғир ёғаяпти,
Мен ҳаёл суриб,
Сулув табиатни кузатдим якка.
Қурқмайман шу ёмғир сувидан эриб,
Вужудим қўшилиб кетса қўлмакка.**

Қаранг, шоир изтироби нақадар исёнкор, у ҳеч нимадан қўрқмайди ва давом этади:

**Менинг дўстларимдир бу бани башар,
Бир баландроқда, иккинчиси мос.
Қўрқмайман, ҳамиша мендан қўрққанлар,
Ошимни захарлаб ичирса ноҳос.**

Ҳаёт қўрқоқ одамга ҳеч нарсаси бермайди, шу боисдан ҳам шоир наздидаги лирик қаҳрамон учун ҳатто ўлим ҳам қўрқинчли эмас. Бу борада эса шоир ҳақ, Аммо шоир мақсади сўнгги сатрларда янада равшанлашади:

**Севгилим, сен нега келмайсан бирон,
Нечун рухсорингни олдинг панага?**

Кй орзуе намепарварад, озод бошад? Ҳатто паррандаи дар қафас буда орзуи он дорад, ки ҳамаша дар парвоз бошад ва дар дашту чаман бол занад, нақхати гулу гийёҳоро дар машом кашида зиндагй кунад. Озод будан, озод зистан аз азал мақому манзалати одамийат будааст.

Ва ба ин хотир, одамийат дар ин роҳ дар такопў будааст. Чун ба таърихи гузаштаи мардуми худ назар мекунем, да-сисаву бўҳронҳое, ки аҷнабиён ба сари

ҚИСМАТАМ БО ТУСТ ПАЙВАНД - ЎЗБЕКИСТОН!

мардуми мо, боркарда хору залилашон карда буданд, ки мўи сари кас чун хори сихор рост ба дидагонат меҳалад. Чи қадар ҳамватанони мо аз тарсу воҳима ва шиканҷаи аҷнабиён тарки Ватан карда, дур аз Ватан хоки ба рўзи мабодо ба ганимат бурдаи хешро ба дидаҳо молида, қон ба чонофарин супоридаанд. Солҳое ки дар кишвари Афғонистон дар сафари хидмати будам, бо ҳамватанони мусофир, ки аз даст истибдоду шиканҷаи шўравиҳо тарсида, гурехта ин диёрро маскани хеш ихтиёр кардаанд, уқубатҳои онҳоро шунида хонаҳои чашми кас пур аз об мегашт.

Гулмир ном афсаре дар риштаи хот (амният) миллий) қор мекард. Ў зодаи Бадахшон буд. Аслан гузаштагони онҳо аз Бадахшони Тоҷикистон ба он соҳили дарё гузашта зиндагй ихтиёр мекунад. Он замонҳо ҳама ин диёр бо як ном ёд мешуд. Чун шўравиҳо ин мавзеро зери тасарруфи худ қарор доданд, Бадахшонро ба ду ҳисса тақсим мекунад. Соҳили ғарбии дарёи Панҷро аз онҳо худ карда аз он ҳолати марзро мекашанд, соҳили офтоббароро ба кишвари Афғонистон вомеғуздоранд. Аз ҳамаи солҳои инқилоби шўравӣ Бадахшон ба ду қисмат тақсим мешавад. Қисмати талхи ин халқро бинед, ки ай бародар ба қониби офтобшинам монда аст, бародари дигар ба қониби офтобаро. Ҳамин сон ин мардум дар байни ду соҳил монда, зору ҳайрон аз сарнавишти хеш гирёну нолону саргардонанд.

Гулмир ин қиссаҳоро бо як ҷаҳон дарди сўзон ба мо қисса мекард, гоҳҳо аз ҷашмонаш ашк пақид мешуд ва ба сарони ин қисматсозони таърих наълатҳо мефирифт. Гоҳҳо Гулмир ба шўр омада меғуфт, ки чаро шўравиҳо нерӯҳои мусаллаҳи хешро ба диёри мо ворид карданд. Ин рафтори онҳоро чӣ гуна арзёбӣ кунем? Каме лабфурӯбаста пасон ба забони ҳол меомад:

-Бародар, шумо худатон андешамандона қазоват кунед?

-Зану шавҳар бо ҳам ғолмағол меку-нанд (яъне чанг мекунад байни худ) мард фикри ҳамсарашро рад мекунад. Ҳамсар бошад, фикри мардаки хешро.

Бағринда жон берсам кетгум беармон,

Қўрмаман ўлишга шифоҳонада...

Лирик қаҳрамон учун эса энг гўзал ўлим бу ёрнинг бағрида жон бериш, шу боис унинг қўрқоқлиги бу жасоратга етаклов йўлидир. Сезган бўлсангиз, Жўрабек Рамазон ижодининг энг устувор жабҳаси, шубҳасиз бу ишқ,

ШЕЪР КЎНГЛИ КЎЗГҮСИ...

Ёр соғинчи тасвири эса ҳолат тасвирининг энг гўзал намуналаридан бири. “Сен йўқсан...” шеърда бу яққол аксини толган:

**Ҳажр саҳросида адашди ҳилол,
Йўлларин тўсади қари мажнунтол.
Ҳунчалар қон ютиб қолмоқда увол,
Сен йўқсан...
Турналар йиғлади. Турналар қайтди,
Ойнинг қулоғига нимадир айтди.
Энг ширин туйғулар тугилар пайти
Сен йўқсан...**

Шоир тасвиридаги адашган ҳилолни ошиқ рамзи, қари мажнунтолни йўлдаги тўсиқлар ва қон ютган гунчаларни эса орзуларнинг рамзи десак бизнингча хато қилмаган бўла-миз. Бундай гўзал ифодаларни шоирнинг ҳар бир сатрида учратиш мумкин. Масалан, “Сев-ги” шеърда:

**Севги – оёғимга сифмаган ковуш,
Ҳаёт ўзи менга нолойиқ йўнган.
Юрак – озодлиқни орзу қилган қуш,
Қисмати қанотин қайириб қўйган.**

**Яшаш қийин экан доим пиёда,
Товонларим вужуд юкидан толди.
Ҳар балони кўриб бўлдим дунёда,
Фақат оёқяланг юришим қолди.**

Бу ерда ҳам ошиққа насиб этмаган се-вги гўё оёққа сифмаган ковуш, бу ковушни ҳаёт нолойиқ йўниши эса ёрга етиша олмаслиқ-дир. Шоир наздидаги озодлик, ёр висолига етишиш, аммо икки ўртада шундай тўсиқлар борки, улар ошиққа чинакам зарба берган, унинг қанотини қайириб қўйган. Яъни қай-рилган қанот ҳам рамзий ифода бўлиб, амал-га ошмаган орзулар рамзидир.

Жўрабек Рамазон дардини ҳар рангда тас-вирлайди, кўнглининг тақорисиз инжа сир-ларини очади. Муҳаббат шоир сатрида ҳали очилмаган китба. “Мерос” шеъри эса шоир ҳисларининг тажаллиси:

**Мен гуноҳ тўппладим – шунчалар ҳалол,
Севги – ифориин йўқотган яллиз.
Эй, мени милён йил хўрлаган аёл,
Сизми қовурғамдан яратилган қиз?**

Шеърда шоир юрағидаги дард даражала-нади. Тасвир ҳам шу йўсинда босқичма-бо-сқич аниқлашиб боради. Бошқа бир шеърда эса шоир севгининг сал бошқача кўриниши-ни яратади. Яъни, шеърда ўлим ёрга етишиш воситаси, у орқали шоир севгининг кучли эканлигини тасвирламоқчи гўё:

ҲАЙРҲОИ ПАВЛИСИЯ

Чанг ниҳоят ба занозанӣ бадал меша-вад. Мард ба сари ҳамсари худ чанд мушт мезанад. Ҳамсар ба умеди им-дод овози хешро баланд мекунад, мар-ди раҳгузар ба хонаи онҳо даромада занакро аз чанголи ҳамсараш халос кардан меҳоҳад. Мард ин ҳолро дида оташи ғазабаш дубора чўш мезанад. Чанг ба авҷаш мерасад. Мард гумон мекунад, ки ин марди бегона, хушдори

шунида каме норозиёна ба қониби у назар меафканам. Ў инро зуд дарк кар-да боз риштаи суҳанаширо идома ме-дихад.

-Ҳайр аст, бародар, шумо, ба ин ҳар-фҳои ман ошuftа наشاءед, ба истик-лол расидани шумоён боз як қадамаст. Худо ин иноятро ба шумоён хоҳад бах-шид. Шумо ба ҳар ҳол аз мо, як қадам дар пешед. Сад афсӯс, мо бадахшиҳо-



занаш бошад, ўро ба қатл мерасонад. Занаш ин қору ҳолро дида ўро ваҳшате фаро мегирад, ба сари шавҳараш дод мезанад. Марди шўридаву ақлбохта зани хешро низ мекушад.

Пас аз нақли ин қисса Гулмир ба қазоват қардан шурўй мекунад.

-Агар он мард вориди ин хона на-мешуд, шояд ин ҳодисаи нохуш сар на-мезад ва дар байн бе ҳеч гуноҳ ду на-фар қон ба чонофарин тақсим наме-кард. Гулмир ин ҳарфҳоро ба забон оварда каме дам росткарда гуфт:

-Ман мурдаву шумо зинда, ҳоло ин чанги дохилии Афғонистон хеле баланд аланга мезанад: ҳама мулки ободро ҳа-ро ҳоҳад кард. Аз азал шўравиҳо бо ниқоби инқилоб, бадахшиҳоро тикаву пора карда буданд. Худо накунад, ки аз он бадтараш рух надихад. Ў ба ду-рудур нигоҳе карда як охи чуқур кашид ва боз суҳанаширо идома бахшид.

-Медонед, бародар, шумо то ба ис-тиқлол нарасидаед? Ба ном озод аст, кишвари шумо. Ба сари шумо то ба имрӯз шўравиҳо ҳукумронӣ мекунад. Молу ҳолатон онро ба тароҷ мебаранд. Забону хувиятатонро аз байн меба-ранд. Хати ниёгонатонро несту нобуд карданд. Пас бигўед, чӣ хел шумо озо-дед, чӣ хел шумо ба истиқлолият раси-даед? Ҳаргиз! - Ман ин ҳарфҳои ўро

ро ин шўравиҳо сад тикаву поракар-данд. Моро ба ҳоку хун оғушта сохтанд. Ҳайр аст, рўзе мерасад раҳми халқи моро Худо меҳўрдагист, - гўён дар ди-дагонаш ашҳоқ рехтанд. Аз ин сўҳба-тҳо тақрибан чил сол гузаштаву дар ин рўзҳои қашни 34-солагии истиқлол ин гуфтаҳои ақ тан афсари бадахшонии муқими Афғонистон ба ёдам мерасад. Гузашти айём исбот намуд, ки мо 34-сол қабл аз ин ба истиқлоли ҳақиқӣ комёб гаштем. Ва ин иди бошқўҳро ҳар сол бо тантана қашн мегирем.

Агар ба саҳфаҳои таърих нигарем ин истиқлолият ба осонӣ даст надода-ааст. Дар роҳи пиёдагаштани он садҳо ва ҳазорҳо қонбохтаанд. Раҳми моро Худо хўрд, ба пояи давлати шўроҳо се-лоби офатангезе омад. Ба қавли баъ-зеҳо истиқлолият ба мардуми мо муфт ҳадя гашт. Албатта, дар қору рўзгори давлати навбунёд камбудихо рух ме-дихад, вале мо, ба ин инояти Худодод шукр кунем, баҳри бунёди он ҳар яке ҳиссаи худро гузорем. Шоири шаҳири Ўзбекистон Паймон шеъре навишта, дар бораи истиқлолияти кишварамон, ки хеле ҷаззобу дар зехни одамон ниша-ста. Дар ин рўзҳои ид онро барои ҳамо-возии фикри болой ин қо бароятон ме-оварам, ки хеле ба маврид аст.

Баҳри бунёди он, ободихош ҳар яке

Ажин қоплаб олди-ю юзни,
Лабларимдан тушмади тутун.
Юз бор ўлдим бир гўзал қизни
“Уламан” деб ишонтирмоқ-чун.

Шеърда шоир ҳолат тасвирига юқори да-ражада эътибор беради. Лабдаги тутун ҳам ноёб топилма. Шу сатрнинг ўзиёқ лирик

қаҳрамон ҳолатини очиб беради. Олти банд-лик бу шеърнинг сўнгги банди юқоридаги бандларни ҳулосалайди:

**Билмайман не жин урди бизни,
Биз ҳаммадан бахтлимиз... Лекин
Минг бор ўлдим, бир гўзал қизни
“Улмайман” деб ишонтирмоқ-чун.**

Ёки шоир бошқа бир шеърда ҳам юқоридаги каби ҳолатни кузатишимиз мумкин, шеърда:

**Мен бугун дунёдан кечилишм керак,
Ёки ниқобимни ечилишм керак.
Ўрнимни белгилаб қўймаса ҳаёт,
Сенинг юрагинга кўчишим керак.
Мен бугун кўксимни ёришим керак,
Ё сенинг олдингга боришим керак.**

Шоир мақсадни аниқ тасвирлайди. Шеър-ни диққат билан ўқиган китобхонда савол ту-ғилиши ҳам мумкин, иккинчи мисрадаги ни-қоб нима? Ниқоб бу лирик қаҳрамонини ҳам-мадан яшириб юрган ошиқлигини яширувчи-дир. Яъни ошиқдаги дард шунчалар қуяйган-ки, у энди ўз сирини очили керак, йўқса унинг юрағи бунга дош беролмайди, ёрилади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибди-ки, севги, ишқ, ошиқлик шоир ижодининг асо-сий мавзусига айланган. Аммо шуни ҳам таъ-кидлаш жоизки, ХХI аср айрим ёш қалам-кашлар ижодидаги тасвир ва чизгилардаги кўр-кўроналик, сўз қўллашдаги ғализлик Жўрабек Рамазон ижодида мутлақо кўзга ташланмайди. Шоир шеърларида ифодалан-ди, тасвир мукаммал, шоирнинг тили равон-халқона ифодалар унинг шеърларига ўзгача жозиба бағишлаган.

Хулоса қилиб айтганда, Жўрабек Рама-зон ўзининг “Куз”, “Яшаб юраверсанг”, “Қуна-боқар”, “Сир”, “Отам ҳақида”, “Мен ўша-ман”, “Сизни севиш керак” каби қатор шеър-ларида гўзаллиқни, меҳр-муҳаббатни, сад-доқат каби инсоний ҳусусиятларни қаламга олган. Шоир Усмон Азим бир мақоласида Жўрабекни “Бу дунё одамига ўхшамасди” дея таъкидлаган экан. Дарҳақиқат, ҳақиқий шоирнинг ўз дунёси бўлади, у ана шу олам-да яшайди ва гўё ана шу олам гўзаллиқла-рини тасвирлайди. Насру назмда бирдай ис-теъдод соҳиби бўлган Жўрабек Рамазон гар-чи ҳозир ораминда бўлмаса-да, унинг ёди асарлари ила хотирамизда абдий яшайди.

**Масрур САФАРМАХМАДОВ,
54-умумтаълим мактабининг она тили
ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

то тавонем ҳисса гузорам. Шоири шаҳири Ўзбекистон Паймон дар бораи Истиқлол шеъре навишта, ки онро дар мактабҳо хо-нандагони сершумор азбаркарда, дар гир-дихамҳой бо як оҳанг гуруру сарафрозӣ қироат мекунад. Ин шеър оҳанги ҷаззобу дилангезӣ дошта, хонандаро ба фаҳру гуру-ри ватандўстӣ ҳидоят мекунад. Дар ин рўзҳои фарҳунда мазмуну мундариҷаи шеър-и “Ўзбекистон, Ўзбекистон” ба навиштаҳои болойии мо, ки таъван ба як мазмунанд, ин қо барои идомаи ин гуфтаҳо ба тариқи мисол ин шеърро гўшзад хоҳем қард.

**ЎЗБЕКИСТОН, ЎЗБЕКИСТОН
Ҳар шақ бар суҳан нест,
Тифли инсон беватан нест.
Баҳри ҳамчун ман ҳабибат,
Ҳубби ту панд аст, фан нест.
Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Ҳафт пуштамо Ватан!
Сарзамини саргузаштам,
Сарнавиштамо Ватан.**

**Пойдорам дар мадорат,
Беканорам дар канорат.
Ай моро эҳдои тақдир,
Устуворам чун қисрат.
Ўзбекистон, Ўзбекистон
Ҳафт пуштамо Ватан!
Сарзамини саргузаштам,
Сарнавиштамо Ватан.**

**Силкиву марҷони тустам,
Дидай, миҷғони тустам.
То ҷаҳон боқист ин сон,
Ҷонӣ ҷонӣ ҷонӣ тустам.
Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Ҳафт пуштамо Ватан!
Сарзамини саргузаштам,
Сарнавиштамо Ватан.**

**Қисматам бо туст пайванд,
Дар ту бо сад решаам банд.
Муттақо мудароам.
Қай тавонам аз ту дил канд?
Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Ҳафт пуштамо Ватан!
Сарзамини саргузаштам,
Сарнавиштамо Ватан.**

**Эҷодӣ обу гиламро,
Маснади ҷону диламро,
Ғайр аз меҳри ту набвад,
Мушкилифшо мушкиламо.
Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Ҳафт пуштамо Ватан!
Сарзамини саргузаштам,
Сарнавиштамо Ватан.**

**Дуррӣ ту, дурдонаи ту,
Ҷони ту, ҷононаи ту,
Зодагонро чу Паймон,
Унси ҷовидонаи ту.
Ўзбекистон, Ўзбекистон.
Ҳафт пуштамо Ватан!
Сарзамини саргузаштам,
Сарнавиштамо Ватан.
Нуралӣ РАҶАБ.**

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

ҲАЁТДА ЭРИШГАНЛАРИМ МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ

Одатда, менга тез-тез “Мустақиллик сизга нима берди?” деган саволни бери-шади. Мен саволга жавоб бе-ришдан аввал “Яхшиси, са-волни “Мустақиллик бизга нима берди?” тарзида ўзгар-тирайлик”, деган тақлиф бе-раман ва бу тақлифимни де-ярли барча суҳбатдошларим тўғри қабул қилишган.

Биз бу йил истиқлолизмизнинг 34 йиллигини нишонладик. Бутун мамлакатимиз бўйлаб унинг шу-куҳи ҳозир ҳам давом этапти. Утган бу йиллар менинг, сизнинг – барчамизнинг, Ватанимизнинг тақдирини, турмуш тарзини ижо-бий маънода тамомила ўзгарти-риб юборди. Шундай ўзгаришлар-ки, бир замонлар йиллар, аср-лар давомида ҳам бу ишларни бизнинг уddaмиз кўтаришига ишончимиз бўлмасди. Чунки у за-монлар, даврларда оғзимиз ёёпик, қўл-оёғимиз боғлиқ эди-да.

Мен замондошларим қаторида икки хил тузум, икки хил ҳаият ва бошқарув тизимини кўрган одамман. Агар эсласангиз ўтган асрнинг саксонинчи йилларида мен қишлоғимдаги ўзим ишлаган мактаб учун бино қуриб қурганман. Ҳўш, нима мажбур қилди менга буни. Албатта, аввалги тузум, унинг асоратлари. Ўша замондан қолган қишлоқ мактабимиз бино-сини кўрганнгизда, билмадим қай аҳволга тушган бўлардингиз?..

Номи, шони баланду ўз фар-зандларига уч хоналигина мак-таб биноси қуриб беришни эпк-ласангиз давлатда яшаб ўтди асосий умримизни. Охири, дар-димизни эшитгувчи тополмагани-миз жабрида ўзимиз мактаб қуришга мажбур бўлганмиз.

Мана, энди туман, шаҳарлар-да эмас, олис тоғ қишлоқлари, жумладан, бизнинг Дуоба, Гума-так, Қўргонча қишлоқларини бо-риб кўринг. Мактабларни кўринг, аҳоли ҳаёт тарзини кўринг. Бир муаммомизни республика мар-казидан ошиб, Москвагача хабар юбориб, натижасини йиллар да-вомида кутардик. Ҳозир эса раҳ-

**Рамазон АБДУЛЛАЕВ.
Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси,
Халқаро “Антик дунё” илмий
академияси профессори.**



барлар, туман, вилоят ҳокимла-ри, ҳатто вази́рлар ҳам олис тоғ қишлоқларигача чиқиб, аҳоли-нинг мувожаатини эшитяпти, му-аммоларини бартараф этиш чо-раларини қўришяпти...

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳалол меҳнат қилган, эл-юрт, Ва-тани, халқи фаровонлиги йўлида фидойилик қилган инсон борки, хор бўлмаган, бўлмайдиёам. Мана, ўзимдан қиёс. Оддий ўқитувчи-ман, олис тоғ қишлоғидаги кичик мактабда дарс бераман. Жуда кўп йиллар директор вазифаси-да ҳам ишладим. Шу касб усти-дан танилдим, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдим. Таълим тизими-даги камтарин хизматларим эва-зига Президентим мени кадрлаб “Меҳнат шuhrати” ордени билан тақдирлади. Ўзбекистон Халқ таъ-лими аълочили, Халқаро антик дунё илмий академиясининг фах-рий профессори даражасига эришдим. Эътирофларнинг бари-га мен Мустақиллик йилларида эришдим. Демак мамлақати-миздаги миллионлаб инсонлар қаторида мустақиллик менинг тақдиримда, ҳаёт ва фаолиятим йўлида қилган меҳнатларим рўёбга чиқишида энг катта таъ-сир кўрсатган маънавий асос деб биламан. Мен ҳақиқатан ҳам бахтли инсонман ва бу бах-тни мустақиллик – истиқлол менга бахшида қила олди.

БИНОИ МАЪРИФАТӢ

Муаррихон менигоранд, ки деҳаи Қапчигай воқеъ дар деҳаи Дарбанди бастон дар дами дара дар баландие воқеъ будааст.

Дар ин мавзеъ корвонсарой ва қалъаи мирншин амал мекардааст. Қалъаро боғу бўстонҳо ихота карда онро салқину мусаф-фо ниғаҳ медоштааст. Чун қорвони уштур-ҳо аз қониби Чину Мочин, Шому Балху Кобул ё аз қониби Бухорову Қошғару Са-марқанд ба ин деҳа ворид мешудааст. Кор-вониён дар лаби дарё дар бўстонсарою қалъа фуруд омада, уштурҳоро дар кор-вонсарой чой дода, чанд рӯз истироҳат кар-да, пасон роҳи хешро идома медоданд. Ҳоло дар ин манзил харобаҳои ин қалъа боқӣ мондааст. Қалъаи Қапчигайро кўпру-ки Мулло Қулмуҳаммадбой бо деҳаи Чан-бул ба ҳам мепайвандад. Дар деҳаи Дар-банд 6 мактаби ҳамагонӣ амал мекунад. Дар ин даргоҳи маърифатӣ авлодҳои со-кинон ба таҳсили пурра фароғирифтаанд.

ДАР МАРКАЗИ МАҲРИ ҚУҲАН



Мактаби рақами 11-ум ки даврони ҳуку-мати шўроҳо сохта шуда буд, бо сабаби зиёдагаштани шумораи хонандагон муам-мои қобачоқунини беш аз 400 нафар хо-нандагон ба миён омада буд. Хонандагони синфи ибтидоӣ ҳангоми сардии зимистон ва боронҳои сел ба мушкилиҳо ва монеаҳо рўба рӯ мешуданд. Тибқи арзу доди соки-нони деҳаи Қапчигай дар ин қо сохтани таълимгоҳи ҳамагонӣ барои 350 нафар ба нақша гирифта шуд. Тибқи гуфтаи сохтмон-чиён барои сохтани ин иншооти таълими 12 миллиард сўм маблағ масраф бояд шуд. Таълимгоҳ аз дуошёна иборат буда, май-дони варзишӣ, зали мусобақа, кабинетҳои фаннӣ бо ҷиҳозхояш, зали миҷисгоҳ сох-та мешавад. Тибқи гуфтаи сохтмончиён ва мутасадди шўёбаи маорифи ноҳия Фах-риддин Бобомуродов ин бино то 20 сен-тябри соли равон ба истифода хоҳад шуд. Бояд қайд кард, ки чунин бинои мактаб, ки қимматаш 12 миллиардро ташкил мекунад, дар ноҳияамон аввалин бор сохта меша-вад. Маълумотҳои иловагӣ дар расми ку-шодашавии мактаби мазкур дар шумораи ояндаи рўзнома хабар хоҳем дод.

Азамат ҒАФҒОРОВ.

 MUASSISLAR: Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi	BOSH MUHARRIR Davron ORIPOV NAVBATCHI: Nodira JO'RAQULOVA. Internet materiallaridan foydalaniladi.	Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda. ISSN 2181-7073	Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma № Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul Ⓜ - tijorat materiali.	Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. «BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim. Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.	TAHRIRIYAT MANZILI: 190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@umail.uz Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta "Surxon tongi" va "Zarya Surxana" gazetalarini bosmaxonasi chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.
---	--	--	--	--	--